



NAVOIY SABOQLARI



Алишер НАВОИЙ

(1441–1501)

ЖУНУН ТОШИ ХАРОБОТ ИЧРА...

*Жұнун тоши харобот ичра ҳар дам күксума урмоқ,
Эрур тақвою дониши бутларин тоши бирла синдурмок.*

*Күёшким зарра құзғаб, кирса вайронимга ҳажрингда,
Күзумга күл совурмок, бил ани, күнглумга ўт урмоқ.*

*Чу пири дайр тақво хирқасин күйдур деди гар худ,
Анинг ҳар торидур жон риштаси бўлмас боқиб турмок.*

*Лабинг ҳажринда хокий тан аро күнглумни ҳабс эттим,
Нечукким жонсиз элни расм эрур туфроққа топиурмок.*

*Дема, ул дилрабога не учун күнглунгни олдурдунг,
Ўз эрки бирла не мумкин киши ўз күнглин олдурмок.*

*Агар оҳимдин айлаб жилва ёгдурди жафо тошин,
Не тонг гулбун сабо таҳрикидин гул барги ёгдурмок.*

*Бинафша солхурд элдекки боши солди қуи, гүё
Яқин англаб жазони умр анга даъб ўлди қайғурмок.*

*Қадаҳ ичмак ёзуқ деб асру мардуд этмагил, эй шайх,
Бу қисм эрса азалдин, бежиҳатдур бизни ёзгурмок.*

*Қароғлардин пўлок, жон риштасидин чиллавор этқил,
Қошинг ёсин Навоий қасдига гар истасанг қурмок.*

(“Фаройиб ус-сигар”, 316-газал)

ЛУГАТ

Харобот – хароб бўлган жой, майхона; *тасаввуфий маънода*: пири комил ҳузури

Дайр – зардуштийлар ибодатхонаси, бутхона; *тасаввуфий маънода*: ориф инсонлар мажлиси

Пири дайр – ибодатхона бошлиғи: *бу ўринда*: қалби илоҳий ишқ билан тўлган ориф, устоз

Хирқа – дарвешларнинг махсус кийими

Ҳабс – қамоқ, қафас, зиндан

Таҳрик – харакатланиш

Солхурд – кекса одам, қария

Даъб – одат

Ёзуқ – гуноҳ

Мардуд – рад этилган

Бежиҳат – сабабсиз, ўринсиз, бехуда

Қароғ – кўз қорачиғи

Пўлок – балиқ қаноти; камон ўқининг қаноти

Чилла – камоннинг ипи

Байтларнинг насрий баёни

Дилнавоз ЮСУПОВА шарҳи

1. Харобот ичида девоналик билан тошларни кўксимга уришимга сабаб – тақво ва билимдан ҳосил бўлган бутларни тош билан синдиromoқлиқdir.

2. Сенинг ҳижронингда қуёш менинг вайронамга зарраларни қўзғаб кирса, билгилки, бириси кўзимга кул совурмоқ учун, иккинчиси эса кўнглимга ўт солмоқ учун келган.

3. Агар дайр пири тақво хирқасини куйдир деб айтса, бу хирқанинг ҳар бир или жон риштасидан бўлса ҳам, ўйлаб ўтирумасдан, уни ўтга ташла.

4. Лабинг ҳижронида тупроқ танамга кўнглимни асир қилиб кўмдим, чунки одатга кўра, мурдаларни тупроққа топширадилар.

5. Нега ул дилрабога кўнглингни бериб кўйдинг, деб сўрама! Ахир, одам ўз ихтиёри билан бирорга кўнгил берадими?

6. Агар ул ёр менинг оҳимдан жилвалар пайдо қилиб, жафо тошини ёғдирса, ажаб эмаски, сабо эсиб, гул поясидан баргларни тўкиб солса.

7. Бинафша кекса кишилардек бошини қуий солиб турибди, гўёки у жазо куни яқинлигини билгандек... Колган умрини шу ҳақда қайгуриб ўтказиш унга одат бўлиб қолибди.

8. Эй шайх, шароб ичиш – гуноҳ, деб бизни рад этма! Қисматимизга шу битилган бўлса, бизни айблаш ноўрин.

9. Агар ёйдек қошингни Навоий қасдига камон қилмоқчи бўлсанг, кўз қорачиқларидан ўқ, жон риштасидан чилла – ип айлагил.

Ғазалнинг умумий мазмун-моҳияти

Алишер Навоийнинг шундай ғазаллари борки, улар бир қарашда ишқий мавзуда ёзилгандек туюлса-да, уларда орифона мазмун ҳам бир-

дай етакчилик қиласы. Шу маңнода уларни Н.Комилов таъбири билан айтганды, ошиқнинг ахволини тасвирловчи “шархи ҳол” ғазаллар деб таърифлаш мүмкін. Биз қуйида таҳлил құлмоқчи бўлган ғазал ҳам ана шундай шеърлар сирасига киради.

Ғазалнинг матлаъси лирик қаҳрамоннинг шархи ҳоли билан ибтидо топади:

*Жұнун тоши харобот ичра ҳар дам қўксума урмоқ,
Эрур тақвою донии бутларин тош бирла синдумоқ.*

Байтда таъкидланишича, лирик қаҳрамоннинг харобот ичида девоналик билан тошларни қўксига уришига сабаб – кўнглидаги тақво ва билимдан ҳосил бўлган бутларни синдирмоклиқdir. Гап шундаки, бу бутлар ожиз банданинг қалбида тақво ва билим орқали пайдо бўлувчи кибр ва менлик бутлари бўлиб, бу байтни икки хил шарҳлаш мүмкін. Биринчидан, тасаввуф таълимотига кўра, дунёвий ва диний илмлар биргаликда “зоҳирий илмлар” деб юритилади ва Худони билиш учун улар етарли эмас, яъни зоҳирий билимлар Ҳақ таоло асрорини англашга ожизлик қиласы. Иккинчидан эса, моддий дунёдаги жамики илм, инсонларнинг тўплаган ҳикмат-донишлари, Аллоҳга тегишлидир, банда буларни Аллоҳ туфайлигина ўрганганлигини англаши ва такабурликка берилмаслиги керак. Шу сабабли ғазалнинг лирик қаҳрамони қалбидаги тақво ва зоҳирий билимлардан пайдо бўлган кибрни тош билан уриб синдирмоқчи...

Иккинчи байтдан ошиқнинг ёр ҳижрони билан боғлиқ шархи ҳоли бошланади:

*Қуёшким зарра қўзгаб кирса вайронимга ҳажрингда,
Қўзумга кул совурмоқ, билани, кўнглумга ўт урмоқ.*

Ёрнинг ҳижрони шу қадар изтироблики, ошиқнинг қалбини ва вайронна қулбасини қуёш ва унинг нурлари ҳам ёрита олмайди: гўё бу заралар ошиқ қўнглига ўт солади, бу ўтнинг кули эса кўзни ачиштириб, ёшлантиради.

Учинчи байтда яна орифона мазмун давом этади:

*Чу пири дайр тақво хирқасин куйдур деди гар худ,
Анинг ҳар торидур жон ришиласи бўлмас боқиб турмоқ.*

Ошиқ тақво хирқасини кийган, яъни тақвода устунликка эришган, лекин хали унинг қалбини илохий ишқ шавқи эгаллагани йўқ. Унга хирқа кийдирган шайх ҳам ушбу шавқни англашга қодир эмас. Шу сабаб лирик қаҳрамон *пирни дайр* – қалби илохий ишқ билан тўлган ориф инсонни устоз сифатида кўриб, унга эргашишни, иродасини унга топширишни истайди.

Кейинги байтда *тамсил* (биринчи мисрада айтилган фикрга иккинчи мисрада ҳаётий мисол келтириш) санъатининг бетакрор намунасига гувоҳ бўламиз:

*Лабинг ҳажринда хокий тан аро кўнглумни ҳабс эттим,
Нечукким жонсиз элни расм эрур туфроқча топшурмоқ.*

Ошиқ ёр лабининг хижронида тупроқ бўлган танасини кўнглига асир қилиб қўмишни истайди, чунки одатга кўра, инсон вафот этгач, унинг танасини тупроқка топширадилар. Энди байтнинг ботиний мазмунига эътибор қаратсак. “Миръотул ушшок” асари асосида Н.Комиловнинг талқинига кўра, *лаб* – бу маънавият оламидан малаклар воситасида анбиё ва орифларга нозил бўлиб, завқ ва илҳом пайтида уларнинг кўнглидан тилига кўчадиган каломдир. Демак, ғазалнинг лирик қаҳрамони ушбу каломдан айри ҳолда яшамоқликдан кўра, жонсиз танани тупроқка топширмоқликни афзал кўради. Бу эса бевосита аввалги байт мазмунидаги истак билан узвий боғлиқдир.

Кейинги байтларда ҳам ошиқнинг хижрондаги шарҳи ҳоли давом этади. Ишқ йўлидаги изтироблар, ёр жафоси муболага ва *ташибиҳ* (ўхшатиш) санъатлари воситасида баланд пардаларда баён қилинади:

*Агар оҳимдин айлаб жилва ёгдурди жафо тошин,
Не тонг гулбун сабо таҳрикидин гул барги ёгдурмоқ.*

*Бинафша солхурд элдекки бош солди қуий, гўё
Яқин англаб жазони умр анга даъб ўлди қайгурмоқ.*

Ёр ошиқнинг охини жилвалантириб, фалақдан жафо тошларини ёғдирганда, сабонинг ҳаракати орқали гул поясидан атрофга гул барглари тўклилади; бинафша эса маҳшар куни яқинлигини сезган кекса кишидек, бошини қуий солади...

Мактаъдан аввалги байтда Навоий услугуга хос *мавъиза* усули шайхдан ёзгириш кайфияти билан ҳамоҳанглик касб этган:

*Қадаҳ ичмак ёзуқ деб асрү мардуд этмагил, эй шайх,
Бу қисм эрса азалдин, бежиҳатдор бизни ёзгурмоқ.*

Бу байт мазмунини Навоий девонларининг “фотиҳа” – очувчи ғазали (А.Рустамов таъбири)даги куйидаги байт орқали англаш мумкин:

*Сен гумон қилғондин ўзга жому май мавжуд эрур,
Билмайин нафӣ этма бу майхона аҳлин, зоҳидо.*

Бунда шоир ориф дарвешлар тилга оладиган “май”, “майхона” сўзларининг маъносини англамай, уларни маломат қиласидан зоҳирбин, маънолар сирридан бехабар зоҳид ёки шайхларни танқид қиласар экан, бу қадаҳ тажаллиёт майи тўлган қадаҳ (Аллоҳ жамоли акс этган жом) эканлигини таъкидлаш орқали, унга бу жомни ичиш азалий қисмат эканлигини фахр билан эътироф этади.

Ғазал мақтаъси ўз тақдиридан рози ошиқнинг ёрга жон фидо қилмоқ орзусидаги мурожаати билан якун топади:

*Қароғлардин пўлок, жон ришиласидин чиллавор этқил,
Қошинг ёсин Навоий қасдига гар истасанг қурмоқ.*

Умуман олганда, ушбу ғазал ошиқона либосга орифона мазмунни жойлаган бетакрор шеър намунаси бўлиб, Алишер Навоий даҳосининг яна бир бадиий қиррасини ўзида акс эттириши билан аҳамиятлидир.

Ғазал рус тилига мутаржим А.Сендиқ томонидан саккиз байт ҳажмида ўғирилган. Мақтаъдан аввалги байтнинг ботиний талқини оғирлик қилган чамаси, ушбу байт таржимада тушиб қолган. Мутаржим гарчи ғазалдаги қофияланиш услубини сақлаб қолиб, шаклан аслиятга яқинлашишга уринган бўлса-да, мазмунда баъзи номувофиқликлар кузатилади. Бу айниқса, ғазал матлаъси таржимасида яққол кўзга ташланади.

Ғазалнинг русча таржимаси

Таржимон – Анатолий СЕНДИҚ

*Безумье – каменья швырять в тайную сердца мечту,
Как можешь ты жить, растопив знание и доброту?*

*Солнце, пылинки кружса, заходит в хибарку мою,
Но что оно мне без тебя, только – трудней на свету.*

*Рубишие святыни шейх мне бросить в огонь повелел,
Порваны нити души, но я приказавшего чту...*

*Губ твоих теплых лишишь, я сердце в себя закопал,
Оно, как мертвец пол землей, жизни познало тщету.*

*Не спрашивай только, зачем сердце я отдал тебе, –
Над сердцем не волен никто, аллах сочетает чету.*

*Ответом на вздохи мои был злобных выкриков град,
Розам ронять лепестки легко, если розы в цвету.*

*Но шепчет цветок полевой: “Осень сырья близка,
Старость суровая всем поставит на темя пяту!”...*

*Так свой тетиву из судьбы, слелай из взгляда стрелу,
Луком бровей поведи – и сбей Навои налету.*

Ғазалнинг инглизча таржимаси

Таржимон – Қосимбой МАЪМУРОВ

...STONES I MADLY THROW

*Why each time in the ruins at my breast stones I madly throw,
For I want to break idols made of pious and sense with a blow.*

*If missing you the sun enters my ruin stirring particles, know,
She wants to put fire on my soul, into my eyes, ash to throw.*

*If the master of mind says to put fire on pious uniform now,
Even if its thread is made of soul's sell, do at once it throw.*

*Missing your lips in my earthly body my soul I imprisoned,
For, it is a tradition to submit corpses to the earth below.*

*"Why have you submitted your soul to that beauty?" don't ask,
How could a man, by his will, yield his soul in somebody so?*

*If the beloved, by charming of my woes, has torment stone fall,
No surprise, the wind should blow, have flower leaves fall low.*

*The violet like an old man is standing bowing, his head low,
Sensing the punishment near, he used to worry of life below.*

*Hey Sheikh, saying, drinking wine is sin, don't reject us!
If it is written in our fate, it is no good to blame us so.*

*If to revenge Navoi, you make a bow from your bow-like brow,
Weave thread from soul sells and of eyes apples make an arrow.*

